


Шоҳур Малик

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

ФАЛАК * ДАВРОН * ДЕВОНА



ТОҶИР МАЛИК

**ТАНЛАНГАН
АСАРЛАР**

Биринчи жилд

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҶРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2006**

Малик, Тоҳир.

Танланган асарлар: Биринчи жилд / Муҳаррир: Мурад Мансур. — Т.: «Шарқ», 2006. — 448 б.

Ёзувчи Тоҳир Малик қаламига мансуб танланган асарларнинг мазкур биринчи жилдига адабнинг фантастика жанрида ёзган асарлари саралаб олинди. Бу асарларни инсонга, она заминга муҳаббат ғоялари ўзаро боғлаб туради.

ББК 84(5Ў)

«Фалак»дан «Шайтанат»гача, ундан «Меҳмон туйғулар»гача

Одатда ҳар бир адибнинг номини тилга тушириб, ўзини халққа танитадиган асарлари, машҳур этадиган китоблари бўлади.

Одатда ҳар бир адибдан орқада қоладиган, ўзи ҳаётлигидаёқ танланган асарлари сирасига кирадиган асарлари бўлади.

«Фалак» қиссаси Тоҳир Маликни иқтидорли фантаст ёзувчи сифатида халқимизга танитган эди. Муस्ताқиллик йилларида ёзилган «Шайтанат» асари эса унга чинакам шуҳрат келтирди, адиб иқтидорининг нечоғли бақувват ва кўламли, жозибадор ва кенг эканидан яна бир қарра далолат берди. Бу асар юз минглаб нусхада қайта-қайта чоп этилгани ва ҳамон севиб ўқиладигани шундан далолат бериб турибди.

Ваҳоланки, бу асарнинг биринчи китоби бизнинг «Шарқ» матбаа-нашриётимизда босилгунга қадар бир неча йил бошқа бир нашриётнинг жавонларида навбат кутиб ётган эди. Қарангки, унга айнан шу нашриётда чоп этилиш насиб этган экан ва унинг барча жилдлари шу даргоҳда дунё юзини кўрди. Мана энди, азиз китобхон, шу ардоқли адибимизнинг асарларини саралаб «Танланган асарлари»га тартиб берар ва чоп этишга киришар эканмиз, биз бу адибнинг сиз соғинган ва илғари манзур бўлган асарларини камоли эҳтиром билан тақдим этишдан мамнунлигимизни билдирамиз. Бу асарлар алақачон Сиз ва бизнинг маънавий мулкимизга айланиб қолган ва ундан келажак авлодлар баҳраманд бўлишга ҳақлидирлар.

«Танланган асарлар»нинг биринчи жилди Сиз азизларга муборак бўлсин!

Тахририят

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Роббимиз Оллоҳга беҳисоб равишда шукрлар бўлсинким, янги китоб баҳонасида сиз, азиз китобхонлар билан ғойибона учрашув насиб этилди. Деҳқон ҳосилини кузда сарҳисоб қилгани каби ёзувчилар ҳам баъзан босиб ўтилган йўлга қараб, аввал ёзилган асарларини бир-бир фикр кўзгусидан ўтказадилар. Каминана ҳам шунга журъат этиб, турли йилларда ёзилган яхши-ёмон асарларни саралашга киришдим. Албатта, барча ёзилганларни тўплаб, Сизнинг зийрак ҳукмингизга ҳавола этмоқ дуруст иш эмас. Шу боис кўр қаламининг маҳсули бўлмиш бир қанча асарларни четга олиб қўйишга тўғри келди. Шунингдек, орадан йиллар ўтгани, замон ўзгаргани инобатга олиниб, жузъий тузатишлар киритиш лозим топилди.

Танланган асарларнинг биринчи жидига фантастика тарзида ёзилган қиссалар жамланди. «Ҳар кимники ўзига — ой кўринар кўзига», деганларидек, каминанага яхши туюлиб, сизга эса ёқинқирамаган асарлар ҳам учраб қолиши мумкиндир. Мазкур асарларнинг баъзилари ёшлик давримизнинг маҳсули бўлгани сабабли тажриба етишмаслиги оқибатиданми, саёзроқ кўринарким, бунинг учун сиз азизлардан узр сўрайман. Камчиликларни авф этганингиз ҳолда китобни охирига қадар ўқиб чиқишингиздан умидворман.

Оллоҳ хонадонингиз аҳлига саодатли умрни насиб этсин. Омийн. Сизларни адоқсиз меҳр билан ардоқловчи:

Муаллиф.

ФАЛАК

— *Асл олтин олиш учун инсон қони даркор...*

— *Қонни қаердан олдинг?*

— *Ўзимдан.*

— *Сен ўз қонингни ҳамиша иш-латавермайсан-ку?*

— *Мен асл олтиндан ҳар доим узук ҳам қилмайман.*

— *Бундан буён олтинга инсон қони ишлатишингни ман этаман. Инсон қонини тўкмак танбеҳга лойиқ ишдир. Ва бундай қилувчи кишининг умри қисқа бўлур. Улуғбек салтанатида инсон қони безак учун тўкилмаслиги даркор.*

ТОПИЛАМА

Уч кундан бери эзиб ёгаётган ёмғир тинди. Кун боғарда қонга беланган уфқ энди ҳавонинг очилиб кетишини ваъда қилган эди. Лекин мағрибдан эсиб турган шамол кўп ўтмай яна қора булутларни ҳайдаб келди. Юлдузларнинг юзи тўсилди. Ҳаво айтарли совуқ эмас, бироқ кучсиз изғирин баданни жунжитиради.

Аэропортда навбатчилардан бўлак ҳеч ким қолмади. Шаҳар томондан келган бўш автобус ҳайдовчиси бино эшиги оғзида турган Султонга «чиқармикин» дегандай бир-икки қараб қўйди. Кейин сигнал берди-да, яна шаҳарга йўл олди.

«Охиргиси бўлса керак... — ўйлади Султон, — нега ҳеч кимдан дарак йўқ? Аслида меҳмонхонага тушарсам бўлар экан. Ё рейсни нотўғри англадимми? Қани, сўраб кўрай-чи...» У ичкари кириб, навбатчига яқинлашди.

— Кечирасиз, синглим, кундузи ҳеч ким Султон Умрзоқовни йўқладими?

— Умрзоқов дейсизми?.. Йўқ.

— Телефон ҳам қилмадимми?

— Йўқ.

Султон раҳмат айтиб орқасига қайтди-да, «яна бир оз кутай-чи», деб пастак креслога ўтирди. навбатчи қиз телефонда ким биландир гаплаша туриб, чаккасидаги сочлари бир текис оқарган хушмуомала бу йўловчига қараб-қараб қўйди. Кейин телефон гўшагини жойига ила туриб, деди:

— Сизни бирор киши кутиб олиши керакмиди?

— Ҳа.

— Борадиган жойингизни аниқ билмайсизми?

— Биламан. Булоқбошига боришим керак.

— Хийла узоқ экан. Шаҳарда бўлса такси чақириб берардим.

— Чақираверинг.

Бугун эрталаб Султон Арманистонда эди. У икки ҳафтадан бери ҳамкасби профессор Теос Акопяннинг

илтимоси билан янги очилган гордаги буюмларни, деворларидаги суратларни ўрганишга кўмаклашарди. Эрталаб телеграмма келди. «... Булоқбошидаги қабристонни қовлашда ажабтовур буюм топилди. Тез етиб келинг. Сизни Андижонда кутиб оламан. Асад Муллаев».

Асад Муллаев Султоннинг истеъдодли шогирдларидан, баъзи топилмаларни текширишни Султон кўпроқ шу шогирдига ишонарди. У телеграммани ўқиб, янги жиддий иш бошланажagini англади. Асад майда-чуйда нарсалар учун устозини безовта қилавермасди. Султон ҳамкасбидан узр сўраб Тошкентга қайтди.

Ҳавонинг айнигани сабаб бўлиб, Андижонга бир ярим соат кечикиб келди. Икки соатдан бери аэропортда Асадни кутади. Аксига олиб, чақирилган такси ҳам бу ерга бир соатдан сўнг келаркан...

Шу пайт ташқарида юк машинаси тўхтади. Султон «келди шекилли» деб ўрнидан турди. Янглишмабди. Эшик шахт билан очилиб Асад кўринди.

— Узр, домлажон, — деди у шошиб келиб кўришаркан, — машина панд бериб қўйди.

— Ҳечқиси йўқ. Кетдикми? — Султон шундай деб эшик томон юрди. Сўнг такси буюргани ёдига тушиб, орқасига қайтди:

— Синглим, сизни яна безовта қиламан. Энди таксига ҳожат йўқ.

Ташқарида ёмғир севалай бошлаган эди. Боғи Шамолга етишганда ёмғир қорга айланди. Йўлнинг ўнг томонида адир қорайиб кўринар, яланғоч дарахтларнинг шохлари илтижо билан чўзилган панжалардек ҳаракатсиз турарди. Булоқбоши ёз кунлари дилхуш оромгоҳ бўлгучи шу адирнинг ортида.

Султон шогирдига қаради. У йўлдан кўз узмай боряпти. Моторнинг бир маромда гувиллаши қулоққа чалинади. Майда қор учқунлари ойнага урилади. Тозалагич шу заҳотиёқ уларни суриб ташлайди. Гўё машина билан қор жанг қилаётганга ўхшайди.

Асад кеч қолгани учун изза чекиб, домласига кўп гапирмади. Ҳол-аҳвол сўраш билан чекланди. Султон шогирдини хижолатдан қутқариш учун уни гапга тутди:

— «Ажабтовур буюм» нима экан?

— Тоштобут, — деди Асад домласига тезгина қараб олиб.

— Тоштобут?

— Ҳа. Эски қабристонни бузаётганларида топишибди. Бизга хабар қилишди. Мен кеча келгандим. Иккита тоштобутни кавлаб олдик.

— Санаси аниқми?

— Аниқ. Ўн бешинчи аср.

— Темирзодаларникими?

— Бу ҳақда маълумот йўқ.

Чорак соатлардан сўнг улар Булоқбошига етишди. Шаҳарчада тўхтамай, юқорилашди. Машина катта кўча бориб тақалган қабристон олдида тўхтади. Улар чироклар ёниб турган томонга лой кечиб боришди. Чодирдан икки киши чиқиб, уларни кутиб олди. Султон бу йигитларни таниди. Улар Асадга бириктирилган талабалар эди. Асад устозини тупроқ уюмининг орқасига бошлади. Йигитлардан бири тоштобут устидаги чойшабни кўтарди. Султон яқинлашиб, араб алифбесига ўйиб ёзилган хатга тикилди. Кейин овоз чиқариб ўқиди:

— Жаннатий аллома Шамсибек Исмоил ўғли хусуф куни шаҳид бўлдиким, қотили аҳли мутаассиб эрур. Воллоҳи аълам, биссаваб. Ўн бешинчи зу-л-қаъда 8... ҳижрий йил». Ажаб, бу Улуғбек даври-ку? Тоштобутлар бу ерга қандай келиб қолди экан?

— Музейдагилар ҳам етиб келишган, уларга нима деймиз?

— Шошмай туришсин. Тоштобутларни Тошкентга юбориш керак. Биофизика институтидаги профессор Алиевнинг тажрибахонасини биласиз-а? Ўша ерга юборинг. Кейин маъмуриятга айтинг, экскаватор солмай туришсин. Бу ерларни жиддийроқ ўрганиш керакка ўхшайди.

Султон шундай деб изига қайтди.

— Меҳмонхонадан жой тайёрлаб қўйганмиз, — деди Асад.

— Ўша ердан Тошкентга қўнғироқ қилиш мумкинми?

— Ҳа, телефон бор.

Султон идора ёнидаги меҳмонхонага жойлашди. Ивиб қолган шляпасини, ёмғирпўшини қозиққа илгач, соатига қаради: икки ярим бўлибди. Телефон қилсамми ё эрталаб гаплашсамми, деб бирпас иккиланиб турди-да, гўшакни кўтарди.

Биофизика институтининг етакчи олимларидан

бўлган профессор Жаҳонгир Алиев бу дамда элалломанинг электрон мияси қоғозга туширган сатрларни таҳлил қилиб ўтирарди. Жаҳонгир бу ҳайратомуз кашфиётини яратишга киришганида асосий вазифа — асбобни ихтиро қилиш, уёни тарихчилар билан криминалистларнинг иши деб ўйлаган эди. То элаллома яратилгунча унинг сочлари тўкилди, пешонасига уч-тўрт чизиқ тортилиб, тажанг одамга ўхшаб қолди. Ниҳоят, йигирма йиллик меҳнати ўтган ойда илк самара берди. Элаллома тўрт кун бурун вафот этган одамнинг руҳий дунёсини тўла тиклай олди. Бироқ, бир неча йиллик мурдани ўрганишда асбоб кўп гўнғиллади-ю, тайинли гапни кам ёзиб чиқарди. Элаллома суяклари чириб қолган мурданинг фақат исмию оламдан кўз юмган йилини аниқлаб берди. Асбоб тарихга мурожаат этган сари ишга яроқсизланиб, профессорнинг умидини булут пардасига ўраб қўяётган эди.

Жаҳонгир сатрларга тикилиб, шу ҳақда бош қотириб ўтирганида телефон жиринглади. Гўшакни кўтарди. Султонни овозидан таниб, ажабланди.

— Тинчликми? — деди у салом-аликни унутиб.

— Тинчлик. Мен сенга Булоқбошидан телефон қиялпман.

— Булоқбошидан?

— Ҳа, Арманистондан тўғри шу ерга келдим. Ғалати нарса топилди. Бу ердаги гўристонни бузишаётганидан хабаринг бормиди?

— Йўқ. Бир ҳафтадан бери таҳлил билан бандман. Нима топилибди?

— Иккита тоштобут чиқибди. Ёзувига қараганда тобут ичида Шамсибек исмли шаҳид аллома ётибди. Иккинчисида Махфуза исмли аёл. Тоштобутларни тажрибахонангда очсак, девдим. Эртага Тошкентга жўнатаман. Кутиб ол. Ўзим кечга яқин ё индинга эрталаб етиб бораман.

Дўстининг ярим тунда етказган бу янгилиги Жаҳонгирнинг тинчини олди. Эрталаб тажрибахонага бориб, тоштобут ортилган машинани оқшомгача кутди. То уни тушириб, ичкарига олиб киришгунларига қадар Султон ҳам етиб келди.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4729> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ
версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4729>
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную
версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4729>